

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА РАНГНИНГ ЛЕЙТМОТИВЛИК ФУНКЦИЯСИ (БИБИ РОБИАНИНГ “КУЗ ЁМГИРИ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Абилжон Абдурахмонов

ФарДУ докторанти, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6786647>

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий ўзбек насирида рангнинг лейтмотивлик функцияси тадқиқ этилади. Унинг фаол ва пассивлик кўриниши аниқланиб, пассив кўриниши Биби Робиа Сайдованинг “Куз ёмғири” ҳикояси мисолида таҳлилга тортилиб, унинг ёзувчи бадиий гоясини ёритиб беришдаги аҳамияти кўрсатиб берилади.

Калим сўзлар: контекст, ранг, лейтмотив, ҳодиса, ифода, фаол, пассив, қаҳрамон, ёзувчи, бадиий гоя, гоявий-эстетик хусусият.

ЛЕЙТМОТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ЦВЕТА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА «ОСЕННИЙ ДОЖДЬ» БИБИ РОБИА)

Аннотация. В данной статье исследуется лейтмотивная функция цвета в современной узбекской прозе. Определено его активное и пассивное обличие, а также проанализировано его пассивное обличие на примере рассказа Биби Робиа Сайдова «Осеньний дождь», показано его значение в освещении художественной мысли писателя.

Ключевые слова: контекст, цвет, лейтмотив, событие, экспрессия, актив, пассив, герой, писатель, художественная идея, идеально-эстетическая черта.

THE LEITMOTIV FUNCTION OF COLOR IN MODERN UZBEK PROSE (IN THE EXAMPLE OF BIBI ROBIA'S STORY "AUTUMN RAIN")

Abstract. This article explores the leitmotiv function of color in modern Uzbek prose. Its active and passive appearance is determined, and its passive appearance is analyzed on the example of Bibi Robia Saidova's story "Autumn Rain", and its importance in illuminating the writer's artistic idea is shown.

Key words: context, color, leitmotif, event, expression, active, passive, hero, writer, artistic idea, ideological-aesthetic feature.

КИРИШ

Рангларнинг контексдаги динамик намоён бўлиш шаклида насрий асар таркибидаги ранг асосан лейтмотивлар мақомига яқин туради. Биз буни “рангнинг лейтмотивлик функцияси” деб номлаб, насрий асардаги алоҳида ҳодиса сифатида ўрганишга жазм этдик.

Ушбу атамага берилган тарифга мурожаат этсак.

Лейтмотив (нем). Лейтмотив - “асосий, етакчи мотив”)[1] мусиқадан олинган лейтмотив атамаси адабий танқидда ҳам қўлланилади ва адабий ва бадиий асарнинг хукмрон кайфиятини, асосий мавзусини, асосий ғоявий ва ҳиссий оҳангини, ёзувчи ижодини, адабий йўналишни англатиши мумкин; асарда қаҳрамон, тажриба ёки вазиятнинг доимий характеристикаси сифатида доимий равища тақрорланадиган ўзига хос тасвир ёки бадиий нутқнинг бурилиши, ёзувчининг ниятини очиб бериш учун калит бўлиб хизмат қиласидаги қайта-қайта эслатиб ўтилган индивидуал тафсилот ёки сўз. Такрорлаш ёки ўзгарувчанлик жараёнида лейтмотив алоҳида ғоявий, рамзий ва психологик чуқурликка эга бўлиб, маълум бирлашмаларни уйғотади. Шеъриятда

образлилик билан бир қаторда товуш, ритмик ва интонацион лейтмотивлар ҳам ажралиб туради. Бу ерда у умуман ёзувчи асарининг ёки асарининг устун мавзусини, шунингдек, маълум бир жанр ва услуб учун доимий, "каноник" тематик элементлар ёки экспрессив воситалар гурухлари йиғиндисини билдиради. Шунингдек, лейтмотив деганда баъзан маълум бир бадиий яхлит – адабий асар давомида доимий такрорланиб турувчи тематик ва ифодали воситалар мажмуаси тушунилади; бу қўлланишда лейтмотив тушунчasi ўзининг асл мусиқий маъносига яқинлашади. [2]

Тарифда келтирилган “*ифодали воситалар мажмуаси*” рангга тааллуқли деб хисоблаб, рангнинг насрй асардаги функциясининг алоҳида ҳодисаси деб ўрганишимизга асос бўлади деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб насрй асарда лейтмотивлик ҳодисаси бор дедик.

Ушбу ҳодисани ҳам ижикилаб таҳлилга тортишда шартли равишда икки кўриниши бор экан деган қарорга келдик:

- 1) *фаол ранг-лейтмотив*
- 2) *пассив ранг лейтмотив.*

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўз-ўзидан тушунарли бўлиб турибдики, насрй матнда рангнинг интенсив иштироқидан унинг активлиги юзага келади, кам иштироқи эса пассивлиги. (пассив ранг – лейтмотив дейишимизнинг шартлилиги ҳам шунда!)

Фаол ранг-лейтмотив ҳодисасида, яъни ранг фаол иштироқида айнан бир у тааллуқли бўлган предмет билан биргаликда ёки бошқа предметлар сифати тарзида келади.

Лейтмотивнинг пассив кўринишига тўхталсак. Бугунги ёш қаламкашларнинг ижодида ҳам рангни психоаналитик аҳамиятга монанд ҳолда етакчи рамзий мавқега ва рамзининг асар ядросига айлантириб ифода эта олиш тажрибаларидан яққол кўзга ташлангани сифатида Биби Робиа Сайдованинг “Куз ёмғири” ҳикоясини келтириш ўринли.

“Шаҳар гала-говуридан ўзини четга олган бу дўконча кўхнагина мактаб биқи нида, кўп қаватли эгиз бинолар ўровида жойлашган эди. Тўрт фаслга мосланган пойафзаллар билан тўлдирилган. Дўконнинг доимий ёрдамчилари – сониялар, соатлар, кунлар – бозорга боришига эринадиган, зарурат тугилгандагина оёқ кийим эсига тушиб қоладиган харидорларни тинимсиз етаклаб келарди. “Саҳар турсанг, ишларинг юришади, ризқинг кўпаяди”. Бу гапни онасидан кўп эшиятганди. Шунинг учун бугун дўконни одатдагидан эрта очди. Сўнгра қора булутлар кузатуви остида дўкони олдига сув сепиб супурди. Вақт харидор чорлаши билан овора экан, у ичкарига кириб китобини қўлига олди. Аммо хонага бостириб кирган ернинг нам ҳиди руҳини аллақаёқларга чорлагандек бўлди. Қишлоғидаги таниш манзаралар кўз олдидан ўта бошлади. Сотувчи тўйиб-тўйиб, чуқур-чуқур нафас олди-да, қўчада мудраётган ҳаётнинг уйгонишини кутиб кўзини китобга тикди.” [3.-7]

Кўринадики, асардаги сюжет динамикаси бевосита пейзаж ва ундаги деталлар билан омухталашиб, бадиий гоянинг синтез шаклини юзага чиқармоқда. Пейзажнинг марказида ранг алоҳида рамзийлик касб этади. Булут, биламизки, ёмғир олиб келиши аниқ. Булутнинг ҳам табиатда асосан икки кўриниши мавжуд: оқ ва қора булутлар. Оқ

булутлар ер сатхидан юқорида жойлашганилиги ва анча енгиллиги билан характераланса, қора булат эса ер сатхига яқинлиги ва ёмғир ёғдириши билан ажралиб туради. Ушбу матнда келтирилган булутнинг ёмғир булути эканлиги китобхонга алоҳида қора сифатловчиси қўшмасдан баён қилиб кетилса ҳам тушунарли. Аммо муаллиф томонидан булутнинг ранги алоҳида таъкидлаб берилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

“Қора булатлар кузатувида...” асардаги булутлар ҳам жонлантирилиб, улар тимсоллантирилиб, чукур рамзийлик юкландынлиги бўрттирилиб берилмоқда. Қора рангда бўлган булат жонлантирилиши билан асардаги бадиий ғоя рангтасвирдаги рангнинг хусусиятлари билан синтезланган шаклга келтирилади. Яъни қора рангнинг рамзий тушунча ифодаси асарнинг марказига чиқади ва бошқа онг оқимидаги тушунча ва ҳодисаларни ўзининг атрофида, орбитасида айланишига мажбур эта оладиган мантиқий кучга эга бўлади. Биламизки, қора рангнинг умумбашарий тушунчасига қўра салбий тушунчаларни англатади. [4.-64]

Аён бўладики, ҳозирги ўзбек шеъриятида қора ранг асосан рамзий ифодасига қўра салбий хусусиятларни ўзида касб этгани ҳолда ижтимоий мухитдаги қаҳрамоннинг чукур руҳий драматик ҳолати манзарасини ифодалашда қўлланган. Шунинг воситасида ёмғирнинг одатий, табиий ҳодиса сифатида эмас, балки бирор қўнгилсизликнинг даракчи сифатидаги талқинига ургу берилаётганилиги англашилади. Қора рангнинг умидсизлик, фалокат, ғам, фожеа каби рамзлари биринчи планга олиб чиқилади. Энди китобхонга содир бўладиган воқеалар силсиласидаги қўнгилсизликдан дарак берилади. Сотувчининг дўкони атрофида қўнгилсиз воқеа ёки шу билан боғлиқ бирор ҳодисанинг содир бўлиши аниқлашиб қолади. Китобхон шу нарсани воқеалар ривожидан сахифани тезлик билан кўздан кечирганича кута бошлайди. Тез орада асардаги асосий тугун содир бўлади. Ранг асардаги асосий фигура деталь – туфли билан тўқнаш келади. Туфлининг тарифида ҳеч қандай салбийлик ифодасини топмаган бўлса-да, аммо келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ноҳушликдан китобхон учун бадиий вазият тайёрлаб туради.

Ҳикояни кузатар эканмиз, асарда қора рангининг яна бир ўринда ишлатилиши асарнинг гоявий-эстетик хусусиятига кескин таъсир кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Матнда ўзига хос лейтмотивга айланган қора ранг ўзи бирикib келаётган деталларнинг битта – ўзининг рамзий тушунчаси доирасидаги бадиий ғоянинг атрофига бирлаштиришга муваффақ бўлганлиги сезилади.

“Шамол оёғи куйған товукдек у ёқдан бу ёққа югуради. Кун пешинга яқинлашган. Саҳар турмоқ ҳикматини пешма-пеш сотилаётган товарларни тасдиқлаб турарди. Сотувчи дўкондаги икки харидор билан андармон бўлиб турганида баҳайбат қора машина савлатига яраша овоз била “гийқ” этиб дўкон олдида тўхтади. Машинанинг орқа эшигидан ўзгача русусмдаги мактаб формаси кийган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қизалоқ ва олд эшикдан бошидаги кепкасини тўғирлаганча башанг кийинган бир киши тушибди. Аёл уларни дўкон ичига кириб келгунларига қадар кузатиб турди ва шунча дабдабага ярашмаган ҳиссиз юзларига қараб, уларнинг суратини чизган “рассосм”га истара, қувонч ранглари етишимай қолганига таажжубланди. Гўёки бундай одамларнинг юзига сув сепиб ўзига келтириши керакдек туюларди. Дўконга кирибоқ ота ҳали танланмаган туфли учун орқа чўнтағидан бир боғлам пулни қўлига олди. Қизга

кутилганидай юқориги қаторда, алоҳида мавқе әгаллаган пойафзалларга кўз югуртириди-ю, ҳам нарҳи, ҳам поинаси бошқаларига қараганда анчагина баланд бўлган туфлини бармоқ учи билан кўрсатиб:

— Ана шунинг ўттиз еттисини беринг, — деди.

Сотувчи талабни бајсаришдан олдин беихтиёр қизнинг оёқларига назар ташлади. Оёғидаги бежиримгина феруза тошли туфлиси билан қўлидаги сумкасининг ранги бир хил эди. Қиз танлаганини кийиб кўрар экан. Юзидан қисқа муддат ичида табассум югуриб ўтди:

— Буни кечада олиб берган маржонингиз билан ҳам кийсам бўларкан. О, мана бунисини ҳам оламан. Ўйимизнинг ёнидаги дўконда шунга мос шарф ҳам кўргандим.

Ота пойафзалларнинг нархини сўраб, сотувчига тул тутқазди... ” [3.-9]

МУХОКАМА

Кўринадики, асардаги ғоялар динамикаси қора рангнинг лейтмотиви атрофида айлана бошлайди. Мантиқий нуқта вазифасини ўтайди. Шунинг учун яна пейзаждаги ранг билан макон воқелигидаги ранг уйғунлашувчи ва шу йўл билан мантиқий рангнинг аҳамияти кучайтирилади:

“Қора булут, ниҳоят, дард ёрди: шаррос ёмғир қуийиб юборди. Сотувчига таниши бўлган мактаб қўнгироғи жаранглади. Бугун даромад нисбатан мўл бўлганини ўйлааб ўтирап экан, эшикдан боласини етаклаганча ўша таниши аёл кириб келди ва пешонасидагин сизаётган ёмғир томчиларини артаркан, остонаядан бир қадам ўтиб тўхтади. Сотувчи она болани ларҳол таниди ва очиқ чехра билан уларни ичкарига тақлиф қилди. Аёл юзида қотиб қолган ним табассум билан ўғлини етаклаганча қил кўприкдан ўтаётгандек эҳтиёткорлик билан юриб бурчакка борди ва ўша илгари кўриб кетган туфлисига бир муддат тикилиб олди. Ўғли эса, кўчада ёмғирда қолгани ёқмаганими, жисмина туарар, ҳеч нарсага қизиқмасди. Она кўзини ердан узмаган кўйи туфлининг нархини яна сўради. Бола сотувчи оғзидан яна ўша нарх янграгунча қадар бўлган муддат онасининг юрак товушини эшилди. Сотувчи ўша рақамларни қайтараркан, нима учундир ҳижсолат тортди. Шунда фарзанд нигоҳларини онасининг оёқларига қадади. Бола онасининг шунча йиллардан бери кийилилаверib орқаси эзилиб кетган, олд ва ёнларидаги баъзи жойларининг чоклари сўқилган оёқ кийимини кўриб, гоҳ онаси юзига, гоҳ ерга тикиларди, тикилгани сайин кўзларидаги мунг қуюқлашарди. Ва шу лаҳзаларда боланинг болалиги ёмғирга ҳам қарамасдан ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб дўкондан чиқиб кетди.” [3.-10]

ХУЛОСА

Рангнинг яъни қора рангнинг асардаги рамзий ифодаси мантиқий нуқталарни йўналтириб беради. Кўринадики, ҳикоядаги бадиий мантиқ ранг рамзидан келиб чиқади.

Демак, келтириб ўтилган мисолда ранг пассив - саноқли иштирок этади. Аммо ҳар бир саҳна бевосита унинг иштироки билан бошланадики, оқибатда рангнинг рамзий хусусияти бутун асарнинг мантиқий майдони орбитаси марказига айланиши билан характерланади. Ушбу ҳикоядаги Қора рангнинг салбий рамзи асар пессимизмини оширишга хизмат қилдирилганлиги пассив лейтмотив натижасида, деб қабул қилиш нотўғри бўлмас.

Демак, ушбу ҳикоя мисолида лейтмотив рангнинг насрий асардаги пассив иштироки куйидагиларни юзага келтирганлиги аниқланади:

- 1) Иштироки пассив бўлса-да тасаввурга самарали таъсир кўрсатади;
- 2) Асардаги қаҳрамон психологиясини намоён қиласади;
- 3) Асар руҳиятини белгилайди;
- 4) Асар йўналишини белгилайди;
- 5) Миллий менталлитетни ошкор қиласади;
- 6) Анъанавий-рамзий тушунчалардан ташқари ёзувчининг индивидуал рамзий тушунчаларини юзага чиқишига хизмат қиласади.

Адабиётлар:

1. Википедия. <https://ru.wikipedia.org>
2. Лейтмотив // Словарь литературоведческих терминов / Ред.-сост.: Л. И. Тимофеев и С.В.Тураев.- М.: «Просвещение», 1974. - С. 172.
3. Биби Робиа Сайдова. Куз ёмғири. Ҳикоя./ Биби Робиа Сайдова. Какку овози.Ҳикоялар. -Т.: F.Фулом, 2019.
4. Абдураҳмонов А. Усмон Азим шеъриятида ранглар поэтикаси. /Ўзбек тили ва адабиёти. Журнал. 2013, 3-сон.